



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ
ЧАКАНА КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

Куллиев Истам Янгимуродович,

Тошкент молия институти мустақил тадқиқотчиси, доцент, и.ф.н.

email: istamkulliev@gmail.com

ORCID: 0009-0007-8138-127X

**ISSUES OF IMPROVING THE EVALUATION OF THE EFFECTIVENESS OF
RETAIL LENDING PRACTICES OF COMMERCIAL BANKS OF THE REPUBLIC OF
UZBEKISTAN**

Kulliev Istam Yangimurodovich,

associate professor, Ph.D.

independent researcher of the Tashkent Institute of Finance.

email: istamkulliev@gmail.com

ORCID: 0009-0007-8138-127X

JEL Classification: E5, E58

Аннотация. Ўзбекистон Республикаси чакана кредит хизматлари бозорида рақобат ривожланиб бориши жисмоний шахсларни кредитлаш амалиётларини такомиллаштиришни талаб қилади. Тижорат банкларида жисмоний шахсларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, чакана кредит маҳсулотлари таклифи ва кредитлаш жараёнида тезкор қарорлар қабул қилишни тақозо қилмоқда. 2007 йилда юз берган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига ча бўлган даврда чакана банк хизматларининг фаол тарқалишига банк бозорининг бошқа сегментларида рентабелликнинг пасайиши ва жисмоний шахсларга рақобатчилар томонидан етарли даражада ўзлаштирилмаган чакана кредит хизматлар бозорининг мавжудлиги туртки бўлди. Айнан шунинг учун ҳам молия бозорининг беқарор ривожланиши шароитида банклар олдида шакллантирилган портфелларнинг сифатини бошқариши, чакана кредитлаш

сиёсатини тубдан ўзгартириш масаласи турибди.

Тижорат банкларида жисмоний шахсларнинг муддати ўтган қарзлари улушининг ортиши, банкнинг ўз капитали ва чакана кредитлар бўйича рискларни қоплаш бўйича захираларининг етарлилигига қўйиладиган талаблар ортиб бормоқда. Банкларда чакана кредитлашнинг назарий ёндашувларини ўрганиш, чакана кредит маҳсулотларини ишлаб чиқиш жараёнларини таҳлил этиши, риск аппетитни белгилаш ва кредит рискларини самарали бошқариш йўналишларини ишлаб чиқиш жуда долзарбдир.

Тижорат банкларининг чакана кредит портфели бўйича самарадорлик омилларининг таъсирини баҳолаш учун экзоген омиллар сифатида валюта курси, расмий ва банклараро фойз ставкалари, ЯИМ дефлятори таҳлил қилиб борилиши лозим. Ушбу кўрсаткичлар ўзгаришларини таҳлил қилиши



натижасида кредит рисклари даражасининг чакана кредит портфели сифат кўрсаткичларига таъсир даражасини баҳолаш имконини беради.

Мазкур мақолада жисмоний шахсларни чакана кредитлаш амалиётлари ва унга таъсир қилувчи омиллар "Ўзсаноатқурилиш" АТБ ва АТ "Алоқабанк" фаолияти бўйича статистик таҳлил қилинган. "Ўзсаноатқурилиш" АТБ ва АТ "Алоқабанк" нинг чакана кредитлаш фаолиятига таъсир қилувчи аҳоли даромадлари, инфляция, Марказий банк қайта молиялаш ставкаси, банк депозитлари, депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалар каби омиллар ўзгарувчи сифатида олинди. Статистик таҳлил Python дастурлаш тилининг `pandas`, `numpy`, `seaborn`, `StatModels`, `scipy.stats`, `matplotlib`, `statsmodels.graphics.tsaplots`, `scipy.stats` каби кутубхоналаридан фойдаланган ҳолда амалга оширилди.

Шунингдек, статистик таҳлил яқунлари бўйича банкларнинг чакана кредитлаш фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари юзасидан тегишли илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Abstract: The development of competition in the market of retail credit services of the Republic of Uzbekistan requires the improvement of lending practices of individuals. In commercial banks, based on the needs of individuals, it is necessary to make quick decisions in the offer of retail credit products and in the lending process. In the period before the global financial and economic crisis that occurred in 2007, the active spread of retail banking services was motivated by the decrease in profitability in other segments of the banking market and the existence of the retail credit services market for individuals that was not

sufficiently absorbed by competitors. It is for this reason that in the conditions of the unstable development of the financial market, banks face the issue of managing the quality of the portfolios formed and fundamentally changing the retail lending policy.

The increase in the share of overdue debts of individuals in commercial banks, the requirements for the adequacy of the bank's own capital and reserves for covering risks on retail loans are increasing. It is very relevant to study the theoretical approaches of retail lending in banks, to analyze the processes of development of retail credit products, to determine the risk appetite and to develop directions for effective management of credit risks. In order to evaluate the effect of efficiency factors on the retail credit portfolio of commercial banks, the exchange rate, official and interbank interest rates, GDP deflator should be analyzed as exogenous factors. As a result of the analysis of changes in these indicators, it is possible to assess the degree of influence of the level of credit risks on the quality indicators of the retail credit portfolio.

In this article, the practices of retail lending to individuals and the factors affecting it are statistically analyzed on the activities of ATB "Uzsanoatqurilish" and JSC "Aloqabank". Factors affecting the retail lending activity of "Uzsanoatqurilish" ATB and JSC "Aloqabank" were taken as variables, such as income of the population, inflation, Central Bank refinancing rate, bank deposits, weighted average interest rates on deposits. Statistical analysis Python programming language `pandas`, `numpy`, `seaborn`, `StatModels`, `scipy.stats` implemented using libraries such as `matplotlib`, `statsmodels.graphics.tsaplots`, `scipy.stats`.

Also, according to the results of the statistical analysis, appropriate scientific

proposals and recommendations were developed regarding the performance indicators of retail lending activities of banks.

Калим сўзлар: чакана кредит, депозит, қайта молиялаш ставкаси, қарз олувчининг харид қобилияти, кредит риски, инфляция, истеъмол нархлари индекси, аҳоли даромадлари, ипотeka кредити, NPL, ЯИМ, фоиз маржаси.

Keywords: retail credit, deposit, refinancing rate, borrower's purchasing power, credit risk, inflation, consumer price index, household income, mortgage loan, NPL, GDP, interest margin.

Кириш. Тижорат банкларида кредит самарадорлигини таҳлил қилиш турли ёндашув ва усулларда қўлланилиши мумкин. Банкларда кредитнинг самарадорлигига қайси жиҳатдан ёндашишга боғлиқ ҳолда самарадорликни таҳлил қилиш ва уни баҳолаш мумкин. Жумладан:

1. Банкнинг кредитлаш стратегияларининг самарадорлигини баҳолаш.
2. Кредит портфели билан муаммоларни аниқлаш ва зарур чоралар кўриш.
3. Банк қайси кредит маҳсулотларини муҳимлигини аниқлаш.
4. Кредитлар бўйича фоиз ставкаларини ўзгартиришнинг таъсирини баҳолаш.

Банк хизматлари бозорида рақобат курашининг кучайиб бориши тижорат банкларининг даромадларини қисқаришига сабаб бўлмоқда. Айниқса, банкларнинг тўлов хизматлари мобил оператор, тўлов ташкилотлари томонидан амалга оширилиши, банкларга рақобатчи сифатида ишлаб чиқарувчи ва реализация билан шуғулланувчи субъектлар

сонининг ошиб бориши банклар самарадорлик кўрсаткичларига салбий таъсирни юзага келтирмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистонда турли мулк шаклидаги банкларнинг ташкил этилиши ва рақамли технологиялар онлайн кредитлаш амалиётларининг кенгайиб бориши чакана кредит хизматлар бозорида мижоз учун курашишга ундамоқда.

Ўзбекистон Республикасида 2020 йил якуни бўйича банклар томонидан аҳолига ажратилган кредитлар қолдиғи 54,1 трлн.сўмни ташкил этиб, бозордаги улуши 1 фоиздан юқори бўлган 15 та банк жами 52 трлн.сўмлик чакана кредит қолдиғига ёки 96,1 фоизига эгалик қилган. Шундан энг максимал улушни Ипотека банкда 18,7 фоизни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич 2022 йил якуни бўйича ажратилган кредитлар қолдиғи 99,1 трлн.сўмни ташкил этиб, бозордаги улуши 1 фоиздан юқори бўлган 19 та банк жами 96,8 трлн.сўмлик чакана кредит қолдиғига ёки 97,8 фоизига эгалик қилган. Ипотека банкнинг чакана кредит хизматлари бозоридаги улуши 15,6 фоизни ташкил этиб, 2020 йилга нисбатан -3,1 фоиз пунктка пасайган. Рақобат даражасининг ривожланишини 1 фоизга улушга эгалик қилган банклар сонининг ошганлиги ва чакана кредит хизматлар бозоридаги бир банкка тўғри келадиган улуш 2022 йилда (5,1%) 2020 йилга (6,4%) нисбатан -1,3 фоиз пунктка камайганлиги орқали кўрсатиб бериш мумкин.

Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмини ошириб ушбу хизматлар бозорида барқарор ўринни эгаллаш билан бирга масаланинг иккинчи бир жиҳати борки, мижозларга ажратилган кредитларнинг вақтида қайтаришни таъминлаш ёки

муаммоли кредитлар улушини камайтиришни талаб қилади. Бу эса, чакана кредитлаш амалиётларини юқори ўсиш темпини сақлаган ҳолда кредит рискларини тўғри бошқаришни ташкил этиб, кредит портфелининг сифати оширилади.

Тижорат банклари чакана кредитлаш фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари ва унинг баҳоланиши хусусидаги таҳлилий жиҳатларни тижорат банклари мисолида кўриб чиқамиз.

Материал ва метод. Тижорат банкларининг кредитлаш фаолияти самарадорлик хусусидаги илмий тадқиқотлар ва изланишларни ўрганиб қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилганлигини кўришимиз мумкин:

1. Тижорат банклари кредит операцияларининг самарадорлик кўрсаткичлари, фоизли даромадлар олиниши нуқтаи назардан;
2. Банклар кредит портфелининг сифати ва кредит рискларини самарали бошқариш муаммоли кредитлар жиҳатдан;
3. Банкнинг кредитлаш борасидаги стратегия ва бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилиши.

Юқоридагилардан кўриш мумкинки, банкларнинг кредитлаш амалиётлари самарадорлиги турлича талқин ва тадқиқ қилинган.

Ж.Исаков (2015) тадқиқотларида “Тижорат банкларида кредитлаш жараёнининг тўғри ва оқилона ташкил этилиши кредит самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатиб, банк даромадининг ошишини таъминловчи ва қўшимча ресурсларни жалб этиш имкониятини

берувчи бош омил ҳисобланади” деган хулосага келган.[4]

А.Азларова (2018) ўз мақоласида “тижорат банклари кредит портфелини бошқаришнинг пировард мақсади ушбу портфелнинг риск, даромадлилик ва ликвидлилик кўрсаткичларининг оптимал даражасига эришиш ҳисобланади” деган хулосани шакллантиришган. [1]

М.Хайитованинг тадқиқотларида банкларнинг трансформациялашувида кредит самарадорлигини таҳлил қилинган. Унда асосан банклар рейтинги кўрсаткичлари ва муаммоли кредитларни таҳлили келтирилган. Муаллифнинг фикрига кўра “тижорат банкларида кредит самарадорлигини ошириш стратегияларининг сифати уларни амалга оширишда фаол иштирок этадиган банк тизими ходимларининг малакаси ва касбий лаёқатига ҳар томонлама боғлиқ”. [8]

Тадқиқотчи А.Б.Каландаровнинг фикрига кўра тижорат банкларида муаммоли кредитларни камайтириш банкларда кредит портфелини бошқариш жараёни самарадорлигини оширишга имкон яратади. [6]

Юқоридаги муаллифлар ва тадқиқотчиларнинг қарашлари ва адабиётлари таҳлилидан келиб чиқиб банкларнинг кредитлаш самарадорлигини баҳолаш юзасидан фикримизни билдириб ўтамиз. Банкларнинг кредитлаш самарадорлигини баҳолаш– бу кредитлар сифатини ошириш, юқори даромад олинишини таъминлаш ва кредитлашни такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш мақсадида кредит портфелини тизимли таҳлил қилиш жараёни.

Тижорат банкларида кредитлаш фаолиятини таҳлил қилиш кредитлаш билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни аниқлашга ёрдам беради ва қарз олувчига кредит беришни



давом эттириш ёки гаровга қўйиш ёки бошқа чора-тадбирларни қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш учун ишлатилиши мумкин. Шунингдек,

Мазкур мақолада гуруҳлаш, қиёсий ва таркибий таҳлил, индукция ва дедукция, анализ ва синтез ва бошқа илмий билиш усулларидадан фойдаланилди. Шунингдек, OLS Regression Model асосида Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган тижорат банкларининг чакана кредитлаш амалиёти ва унинг натижалари бўйича амалий маълумотлар таҳлил қилиниб, чакана кредитлашга таъсир қилувчи омиллар

банкнинг миссияси, стратегияси ва бизнес режа кўрсаткичларининг бажарилишини доимий мониторинг қилиш имконини беради.

ишончлилиги ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги баҳоланди.

Натижалар. Тижорат банклари томонидан аҳолига чакана кредит хизматлари ўсиш динамикаси ўтган йилларга нисбатан ва жами кредит қўйилмаларнинг ўсиш даражасидан ҳам юқори ўсиш кузатилган. Сўнгги йилларда ташкил этилган хусусий банкларнинг чакана хизматлар бозоридаги фаоллиги янада ошган.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғи ўзгариши¹

(млрд.сўм)

Кўрсаткич номи	01.01.2020 й.	01.01.2021 й.	01.01.2022 й.	01.01.23 й.
Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғи	39 934	54 888	69 496	100 949
Ипотека кредитлари	20 326	28 301	35 946	46 460
Истеъмол кредитлари	3 177	5 737	9 429	25 234
Микроқарз	5 492	12 237	12 795	14 651
Тадбиркорлик фаолияти учун микрокредитлар	6 467	8 613	11 326	14 567
Бошқа кредитлар	4 472	0	0	36
Жами кредит қўйималар	211 581	276 975	326 386	390 049
Жисмоний шахсларга ажратилган чакана кредитларнинг жами кредит қўйилмаларидаги улуши, %	19%	20%	21%	26%

¹ Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга ажратиладиган кредитлар шартлари ва унинг қулайлиги, кредит олишда турли тўсиқларнинг камайиб бораётганлиги кредитлаш ҳажмини ошишига хизмат қилмоқда. Биргина тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғи 2022 йилда (100 949 млрд.сўм) 2021 йилга нисбатан (69 496 млрд.сўм) 1,45

баробарга ёки 31 453 млрд.сўмга ошганлиги ушбу ҳолатни тасдиқлайди.

Тижорат банкларининг чакана бизнес фаолияти самарадорлик кўрсаткичларини таҳлилида жисмоний шахслардан жалб қилинган ва уларга ажратилган кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалар ва банк маржасини таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади

2-жадвал

Тижорат банкларининг жисмоний шахслардан жалб қилинган ва уларга ажратилган кредитлар бўйича банк маржаси динамикаси²

Кўрсаткичлар	31.12.18	31.12.19	31.12.20	31.12.21	31.12.22	ўзгариши
"Ўзсаноатқурилиш" АТБ						
Чакана кредитлар бўйича ўртача фоиз ставкаси	15,9%	16,6%	14,7%	13,5%	16,3%	0,4%
Чакана депозитлар бўйича ўртача фоиз ставкаси	7,7%	4,6%	3,4%	7,5%	13,2%	5,5%
Банк маржаси	8,2%	11,9%	11,3%	6,0%	3,1%	-5,1%
АТ "Алоқабанк"						
Чакана кредитлар бўйича ўртача фоиз ставкаси	19,0%	20,2%	19,7%	22,4%	22,9%	3,9%
Чакана депозитлар бўйича ўртача фоиз ставкаси	5,8%	6,7%	8,4%	9,3%	13,0%	7,1%
Банк маржаси	13,2%	13,5%	11,3%	13,2%	9,9%	-3,3%

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан ресурсларни жалб қилиш ва чакана кредит хизматлар бозорида рақобатнинг ривожланиши депозитлар фоиз ставкаларини ошириб, кредитлар фоиз ставкаларини пасайтириб миқдорларни жалб қилиш чоралари

кўрилмоқда. Таҳлил натижаларидан кўриш мумкинки, "Ўзсаноатқурилиш" АТБ юқори даражасига (11,9%) 2019 йил якунида эришган ва пасайиш тенденцияси кузатилиб, 2023 йил 1 январ ҳолатига 3,1 фоизни ташкил этган. АТ "Алоқабанк"нинг фоиз маржаси беқарор

² Манба: "Ўзсаноатқурилиш" ва АТ "Алоқабанк" ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

бўлиб, 2019 йил якунида банк маржаси (13,5%) ни максимумга эришган ва умуман олганда таҳлил даврида пасайиш кузатилган.

Тижорат банклари юқори фоизларда омонатларни жалб этмоқда. Бугунги кунда тижорат банклари томонидан жисмоний шахслар учун миллий валютада йиллик 24% омонатлар таклиф этилишига қарамасдан, жисмоний шахслардан жалб қилинган депозитлар бўйича ўртача фоиз ставканинг паст, яъни 2022 йилда 13% бўлиши, аҳолининг банк карталаридаги қолдиқлар ва талаб қилиб олингунга депозитлар қолдиғи ҳисобига юзага келганини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикасидаги йирик тижорат банкларининг чакана кредитлари самарадорлигини баҳолаш ва унга таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқот давомида "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ ва АТ "Алоқабанк" чакана кредит

портфели ва унга таъсир қилувчи омиллар бўйича статистик таҳлилни ўтказамиз.

Ушбу статистик таҳлил бўйича таъсир этувчи омиллар функциясини тузиб оламиз.

$$F(RL_AVR) = X(RL, RD, BA, R_per_income, PR, IR, PINCOME)$$

Статистик таҳлил учун қуйидаги ўзгарувчилар танлаб олинди:

У - RL_AVR - чакана кредитлар ўртача тортилган фоиз ставкаси;

X1 – RL – чакана кредитлар қолдиғи;

X2 – RD – жисмоний шахслардан жалб қилинган депозитлар қолдиғи

X3 – BA – банкнинг активлари қолдиғи (соф);

X4 – R_per_income – чакана кредитлардан олинган фоизли даромадлар;

X5 – PR – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайтамолиялаш ставкаси;

X6 – IR – Инфляция даражаси;

X7 – PINCOME – Аҳоли даромадлари.

1-расм

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ чакана кредитлаш фаолиятига таъсир қилувчи омиллар корреляция таҳлили³

	RL_AVR	RL	RD	BA	R_per_income	PR	IR	PINCOME
RL_AVR	1.00	0.56	0.43	0.45	0.54	0.79	0.38	0.44
RL	0.56	1.00	0.96	0.98	1.00	0.68	-0.11	0.97
RD	0.43	0.96	1.00	0.97	0.95	0.60	-0.16	0.98
BA	0.45	0.98	0.97	1.00	0.97	0.60	-0.08	0.99
R_per_income	0.54	1.00	0.95	0.97	1.00	0.68	-0.15	0.95
PR	0.79	0.68	0.60	0.60	0.68	1.00	0.26	0.55
IR	0.38	-0.11	-0.16	-0.08	-0.15	0.26	1.00	-0.14
PINCOME	0.44	0.97	0.98	0.99	0.95	0.55	-0.14	1.00

³ Манба: "Ўзсаноатқурилиш" АТБ ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ нинг 2010-2022 йилларда чакана кредитлаш фаолиятига таъсир қилувчи омилларни ўзаро боғлиқлик даражаси баҳоланган. Банкнинг чакана кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси (0.79) билан боғлиқлик даражаси юқори эканлигини кўриш мумкин. Чакана кредитлар бўйича

ўртача тортилган фоиз ставкаси ва чакана кредитлардан олинган фоизли даромадлар ўртасидаги боғлиқлик (0.54) паст бўлган. Бундан банкда имтиёзли кредитлар салмоғи юқори эканлиги бўйича хулоса қилиш мумкин. Чакана кредитлар қолдиғи кўрсаткичи жисмоний шахсларнинг депозитлари (0.96), банк активлари (0.98), аҳоли даромадлари (0.97) билан юқори корреляция мавжуд.

2-расм

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ чакана кредитлаш фаолиятига таъсир қилувчи омиллар статистик таҳлили⁴

OLS Regression Results						
Dep. Variable:	RL_AVR	R-squared:	0.943			
Model:	OLS	Adj. R-squared:	0.864			
Method:	Least Squares	F-statistic:	11.91			
Date:	Fri, 17 Mart 2023	Prob (F-statistic):	0.00747			
Time:	19:30:22	Log-Likelihood:	52.858			
No. Observations:	13	AIC:	-89.72			
Df Residuals:	5	BIC:	-85.20			
Df Model:	7					
Covariance Type:	nonrobust					
	coef	std err	t	P> t	[0.025	0.975]
const	0.0035	0.040	0.089	0.933	-0.099	0.106
RL	-1.57e-11	2.59e-11	-0.607	0.570	-8.22e-11	5.08e-11
RD	-1.946e-11	8.92e-12	-2.180	0.081	-4.24e-11	3.48e-12
BA	-4.531e-12	1.08e-12	-4.213	0.008	-7.3e-12	-1.77e-12
R_per_income	2.516e-10	1.64e-10	1.539	0.184	-1.69e-10	6.72e-10
PR	0.4990	0.208	2.399	0.062	-0.036	1.034
IR	0.2327	0.067	3.494	0.017	0.061	0.404
PINCOME	5.217e-10	1.84e-10	2.828	0.037	4.74e-11	9.96e-10
Omnibus:	1.043	Durbin-Watson:	1.806			
Prob(Omnibus):	0.594	Jarque-Bera (JB):	0.629			
Skew:	-0.508	Prob(JB):	0.730			
Kurtosis:	2.644	Cond. No.	3.58e+12			

Ўтказилган статистик таҳлил натижаларидан шуни кўриш мумкинки, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ нинг 2010-2022 йиллардаги чакана кредитлаш фаолияти бўйича кузатувга олинган омиллар ишончлилиги даражаси (0.94) юқори бўлган. Статистик моделда ҳар бир омилнинг статистик жиҳатдан башорат қилиш аҳамиятлилигини англаувчи кўрсаткич ($P>|t|$) ҳисобланади. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ чакана кредитлаш фаолияти бўйича аҳоли даромадлари, инфляция даражаси ва банк активлари аҳамияти юқори бўлган.

⁴ Манба: "Ўзсаноатқурилиш" АТБ ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

АТ "Алоқабанк" чакана кредитлаш фаолиятига таъсир қилувчи омиллар корреляция таҳлили⁵

	RL_AVR	RL	RD	BA	R_per_income	PR	IR	PINCOME
RL_AVR	1.00	0.92	0.81	0.94	0.95	0.77	0.07	0.91
RL	0.92	1.00	0.95	0.98	0.94	0.65	-0.01	0.96
RD	0.81	0.95	1.00	0.94	0.88	0.56	-0.20	0.93
BA	0.94	0.98	0.94	1.00	0.96	0.62	-0.07	0.99
R_per_income	0.95	0.94	0.88	0.96	1.00	0.66	-0.09	0.96
PR	0.77	0.65	0.56	0.62	0.66	1.00	0.26	0.55
IR	0.07	-0.01	-0.20	-0.07	-0.09	0.26	1.00	-0.14
PINCOME	0.91	0.96	0.93	0.99	0.96	0.55	-0.14	1.00

Ушбу расмдаги АТ "Алоқабанк" нинг чакана кредитлаш фаолиятига таъсир қилувчи омилларни ўзаро боғлиқлик даражаси баҳоланган. Банкнинг чакана кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси (0.77) ва чакана кредитлардан олинган фоизли даромадлар ўртасидаги боғлиқлик (0.95)

даражаси юқори эканлигини кўриш мумкин.

Чакана кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси билан чакана кредитлар қолдиғи кўрсаткичи (0.92), жисмоний шахсларнинг депозитлари (0.81), банк активлари (0.94), аҳоли даромадлари (0.91) билан юқори корреляцион алоқадорлик мавжуд.

АТ "Алоқабанк" чакана кредитлаш фаолиятига таъсир қилувчи омиллар статистик таҳлили⁶

OLS Regression Results						
	coef	std err	t	P> t	[0.025	0.975]
Dep. Variable:	RL_AVR		R-squared:	0.995		
Model:	OLS		Adj. R-squared:	0.987		
Method:	Least Squares		F-statistic:	136.2		
Date:	Fri, 17 Mart 2023		Prob (F-statistic):	2.12e-05		
Time:	19:31:14		Log-Likelihood:	58.353		
No. Observations:	13		AIC:	-100.7		
Df Residuals:	5		BIC:	-96.19		
Df Model:	7					
Covariance Type:	nonrobust					
const	0.1412	0.022	6.467	0.001	0.085	0.197
RL	8.126e-11	1.92e-11	4.229	0.008	3.19e-11	1.31e-10
RD	-1.459e-10	2.42e-11	-6.037	0.002	-2.08e-10	-8.38e-11
BA	1.72e-11	2.83e-12	6.078	0.002	9.93e-12	2.45e-11
R_per_income	-4.044e-11	1.7e-11	-2.376	0.063	-8.42e-11	3.31e-12
PR	0.4709	0.111	4.226	0.008	0.184	0.757
IR	-0.2694	0.063	-4.270	0.008	-0.432	-0.107
PINCOME	-1.751e-10	7.2e-11	-2.431	0.059	-3.6e-10	1.01e-11
Omnibus:	2.386		Durbin-Watson:	3.217		
Prob(Omnibus):	0.303		Jarque-Bera (JB):	1.092		
Skew:	0.283		Prob(JB):	0.579		
Kurtosis:	1.698		Cond. No.:	6.38e+11		

⁵ Манба: АТ "Алоқабанк" ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

⁶ Манба: АТ "Алоқабанк" ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Статистик таҳлил
натижаларидан шуни кўриш
мумкинки, АТ "Алоқабанк" нинг 2010-
2022 йиллардаги чакана кредитлаш
фаолияти бўйича кузатувга олинган
омиллар ишончилилик даражаси (0.99)
юқори бўлган. Статистик моделда ҳар бир
омилнинг статистик жиҳатдан башорат
қилиш аҳамиятлилигини англутувчи
кўрсаткич ($P > |t|$) ҳисобланади.

Мазкур кўрсаткичнинг АТ
"Алоқабанк"нинг чакана кредитлаш
фаолияти бўйича кузатувга олинган
кўрсаткичлар статистик жиҳатдан
аҳамияти юқори эканлигини кўриш
мумкин. Таҳлилда ўзгарувчи сифатида
олинган омилларнинг $P > |t|$ -
кўрсаткичининг 0.05 дан паст бўлиши
статистик аҳамияти юқори эканлигини
англайтади.

Мунозара. Ўзбекистон
Республикаси тижорат банкларининг
кредитлаш фаолияти самарадорлигини
ошириш бўйича тадқиқотлар ўтказилган.
Бунда асосан банкларнинг умумий
портфели самарадорлик кўрсаткичлари
таҳлил этилган.

Халқаро тикланиш ва тараққиёт
банки экспертларининг тавсиясига кўра,
тижорат банклари ялпи даромадларининг
умумий ҳажмида фоизли даромадларнинг
салмоғи камида 70 фоиз бўлиши керак [2].
Ушбу кўрсаткичдан банкларнинг
ресурсларни жалб қилиш ва
жойлаштириш борасидаги фаолиятини
баҳолаш ҳамда кредит портелидан

самарали фойдаланишни баҳоловчи
кўрсаткич сифатида қараш мумкин.

Ж.Исаковнинг тадқиқот натижасида
олинган хулосасига кўра, тижорат
банклари томонидан хизматлар соҳасига
ажратилаётган кредитларнинг ўртача
йилилк фоиз ставкасининг ўртача бир
фоизга ошиши берилган кредитлар
даромадлилигини 0,8 фоизга ошишига,
берилаётган кредитлар ҳажмини бир
фоизга ошиши кредитлар даромадлилик
даражасини 1,8 фоизга камайишига олиб
келади [5].

Н.Обломуродовнинг банклар кредит
портфели самарадорлиги бўйича
тадқиқотларида "Даромадлиликни
таъминлаш мақсадидан келиб чиқиб, банк
берилган кредитларнинг ўз вақтида
қайтарилишини таъминлаш, тўлов
муддати узайтирилган кредитлар
салмоғини камайтириш, муддати ўтган
ссудаларга йўл қўймаслик, кредит хатари
даражасини пасайтириш ва қўйилган
маблағлардан мумкин бўлган энг юқори
даромадни олиш, кредит портфели
таснифининг тўғрилигини аниқлаш,
кредит ҳужжатларини
расмийлаштиришга риоя қилиш, қарз
олувчининг молиявий таҳлили сифатини
ўрганиш, гаровни расмийлаштириш ва
баҳолаш ҳолатини ўрганиш, филиаллар
кредит комиссиялари томонидан ўз
ваколатларига риоя қилинишини
ўрганиш, қонунчилик меъёрларига риоя
этилиши бўйича чоралар кўриш аудит
текширувининг муҳим йўналиши
ҳисобланади" хулосага келган. Ушбу
тадқиқот умумий жиҳатга эга бўлиб,
аудит текширувлари орқали кредит
портфели самарадорлигини таъминлаш
мумкинлиги хулоса қилинган.[7]

Н.Идиев тижорат банкларининг
даромад базасини мустаҳкамлаш бўйича
олиб борган тақиқотида "Соф фоизли
маржанинг меъёрий даражасини

таъминлаш мақсадида, биринчидан, фоизли даромадларнинг ўсиш суръати билан фоизли харажатларнинг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш керак; иккинчидан, беқарор депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғини пасайтириш орқали даромад келтирадиган активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғини ошириш лозим” деган хулосани беради. Тижорат банклари фоизли даромадларининг умумий ҳажмида кредитлардан олинган фоизли даромадлар салмоғининг юқори ва барқарор бўлиши уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шarti ҳисобланади. [3]

Тижорат банкларининг кредитлаш фаолиятини кичик гуруҳларга ажратиб таҳлил қилиш, хусусан чакана ва корпоратив кредит портфелига ажратиб самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш бир қатор устунликларни беради. Чунки, кичик гуруҳларда ва бир хил тоифадаги миждозлар кўрсаткичларини таҳлил натижасида чиқарилган хулосалар юқори натижаларни кўрсатади.

Хулоса. Ўзбекистон Республикаси банкларининг чакана кредитлаш фаолияти бўйича ўтказилган тадқиқотлар

натижасида қуйидаги хулосаларни шакллантиришга эришилди:

1. Тижорат банкларининг аҳолини кредитлашда бозорни эгаллаш ва миждозларни кенг жалб қилиш мақсадида агрессив кредит сиёсатини юритмоқда.

2. Банкларнинг чакана кредит маҳсулотлари сон жиҳатдан ошиб бормоқда ҳамда онлайн кредитлаш амалиётлари ҳажми ортмоқда.

3. Банкларнинг кредитлаш самарадорлиги банк фаолияти самарадорлигини белгиловчи муҳим кўрсаткич бўлиб, банклар мунтазам равишда таҳлил қилиш ва баҳолашни амалга ошириши лозим.

4. Чакана кредитлашнинг муҳим кўрсаткичларидан бир бўлган фоиз маржаси кўрсаткичи "Ўзсаноатқурилиш" АТБ ва АТ "Алоқабанк" фаолияти таҳлили натижаларига кўра пасайиш тенденцияси кузатилган.

5. Тижорат банкларининг чакана кредитлаш фаолиятига таъсир қилувчи омиллар "Ўзсаноатқурилиш" АТБ ва АТ "Алоқабанк" фаолияти бўйича статистик таҳлил кўрсаткичлари кузатувга олинган ўзгарувчи омилларнинг ишончилиги юқори эканлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Азларова А.А., Абдурахмонова М.М. / Тижорат банкларида кредит портфелини самарали бошқариш масалалари “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2018 йил
2. Балтроп К.Дж., МакНотон Д. Банковские учреждения в развивающихся странах. В 2-х т. - Вашингтон: ИЭР Всемирный банк, 1994.
3. Идиев Н.Ф. / Тижорат банкларининг даромад базасини мустаҳкамлашнинг илмий-назарий ва амалий асослари / “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 5, sentyabr-oktyabr, 2020 yil
4. Исаков Ж.Я. / Тижорат банкларида кредит самарадорлигини ошириш стратегиялари / “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2015 йил.



5. Исаков Ж.Я. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда кредит самарадорлигини ошириш. и.ф.д. илм. дар. ол.уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – Б. 28.

6. Каландаров А.Б. / Банклардаги муаммоли кредитларни ундириш амалиёти ва уни такомиллаштириш йўллари / "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 5, sentyabr-oktyabr, 2020 yil

7. Обломуродов Н., Тошпўлатов Д. / Тижорат банклари кредит портфели таҳлили ва сифатини ошириш имкониятлари / "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2015 йил.

8. Хайитова М.Р. Банкларнинг трансформациялашувида кредит самарадорлигини ошириш / Science and Innovation / International scientific journal volume 1 issue 5 uif-2022: 8.2 | issn: 2181-3337 / <https://doi.org/10.5281/zenodo.7066701>

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисобот маълумотлари

10. АТ "Алоқабанк" 2010-2022 йиллардаги молиявий ҳисоботлари.

11. "Ўзсаноатқурилиш" АТБ 2010-2022 йиллардаги молиявий ҳисоботлари.

12. www.cbu.uz

13. www.lex.uz

14. www.aloqabank.uz

15. www.psb.uz